

Тохир хожи мошина ишкивоzi. Бир вақтлар автосервисда ишлагани учунми, минмаган мошинаси колмаган хисоб. Яқинда яна биттасини олибди. Чет элники экан. Юришини кўрайлик, деб бекаларимизни олиб, тоғдаги богховлига жўнадик.

Тохир хожи нимагадир бугунги ёшлардан хафа эди. Орада фарзандларини ҳам кўшиб кўярди: ёшлар бефарк, дангаса, ҳамма нарсани пул билан ўлчайди, катталарнинг хурматини жойига кўймайди. Инсоф деган нарса колмади. Муштдайдан тортиб тошдайигача кўлида “сотка”, кулокларида алламбало мусикалар...

Хуллас, бора-боргунча дардларини эшитиб кетдим. Куйиб-пишганида жон бор. У ўзини ўйламаяпти, келажагини ўйлаяпти. Хохлаймизми-йўкми, ёшлар келажагимиз-да, ахир. Канийди ҳамма ҳам шу ташвиш билан яшаса. Гарчи хамсухбатим баъзи ўринларда ошириб-тошираётган бўлса ҳам, баъзи гапларига кўшилмаётган бўлсам ҳам, карши фикр айтмадим. Руддат одам билан бахслашиб бўлмайди. Шусиз ҳам асаби таранг....

Кизиги шундаки, худди Тоир хожининг гапларини тасдиқлагандек, бизни хали ўнгдан, хали сўлдан ёшлар кувиб ўтишарди. Вой бу ховликмаликлари... Тоғ йўли равон, табиат мафтункор. Енгил мошиналар калдигочдек учади. Гумбира-гумбур мусика-ашулалар. Манзилга етгач, у киши хотини билан идишларни олиб, мошинада булокка сувга кетди. Мен ошга ундадим. Хожининг каерда бўлса ҳам, соат бирга етиб келишини билардим. Пешин намозини ўқишимиз керак-да. Соат бирга караб ошни дамладим. Мўлжал пешинни ўқигандан кейинок дастурхонга ўтириш.

Аммо хадеганда мехмонимдан дарак бўлавермади. Пешинни ўзим ўқидим. Соат икки ҳам бўлди, йўк. Ошиланж бўлиб кетди. Хавотир олиб, кўчага отланган эдим, хартугул келиб колди.

— Э, — дедим мен, — сизларни талкон еб, сувга жўнатиш керак экан-ку...

— Ошни сузинг, кейин гапириб бераман, ўзиям сиз ёзадиган нарса, — деди у кулиб. Ошни еб бўлгач, бир пиёла чой устида Тохир хожи хикоясини бошлади.

\* \* \*

«Идишларни сувга тўлдиргач, тоғ манзараларини келинингизга тепарокдан кўрсатгим келиб колди. Бир ерга чикиб тўхтадик. Мошинани йўл чеккасига кўйиб, чор-атрофни роса томоша килдик. Сўнг кетайлик десак, мошина юрмайди денг. У ёк-бу ёгини кавлаштирган бўлдим, аммо бир иш чиқара олмадим. Охири ёши улугрок бир хайдовчини тўхтатдим.

— Эй ака, — деди у кулиб,

— биз ҳам сизга ўхшаган “лётчик”миз — хайдашни биламиз- у, ўзини тушунмаймиз.

Яна бир кишини тўхтатдим. У ҳам худди келишиб кўйгандек, “лётчик”миз деб елка кисди. Нима киларимни билмай, Тошкентга, автоустахонада ишлайдиган ўғлимга сим коқдим. У бир соатдан кейин бўшадини, сим коқиб, сўнг етиб келишини айтди.

Шу пайт ёнимиздан шувв этиб битта “Тико” ўтди. Нарирокка бориб, тўхтади. Сўнг тисариб олдимизга келди. Эгаси ёшгина экан.

— Ассалому алайкум, тинчликми, дода?

— Э-э, мана бу савил юрмай колди, — дедим уни кўзга илмайрок.

— Кўрсам майлими?

— Кўрсанг кўр...

Йигитча уни-муни кўрди, мошинанинг тагига хам кириб чикди. Бир пайт машина гуруллаб ишлаб кетди. Бир-биримизга караб жилмайишдик. Халитдан бери энди тогда колиб кетамизми, деб хуноб бўлаётган хотинимнинг чехраси ёришди.

— Баракалла, болам, ёш бўлсанг хам, уста экансан, мана бу хизмат хакинг, — деб унга пул тутдим.

— Пулингизни олмайман, — деди йигитча, — менга Аллохдан инсоф сўраб дуо килинг. Ханг-манг бўлиб колдим. Гўё йигитча менинг, ёшларда инсоф колмади, деб килиб юрадиган иддаоларимни эшитгану писанда килаётгандек эди.

— Эй болам, ўзинг инсофнинг ичида экансан-у, — дедим хайратимни яширмай. — Аллох янада зиёда килсин, — деб дуо килдим.

Йигитча кўлини кўксига кўйиб, “Тико”ни учирди-кетди.

Машина бир оз юргач, яна иш кўрсатди. Бу сафар ёши ўттизлар атрофидаги, янги “Нексия” минган йигит ёнимизга келиб тўхтади.

— Ассалому алайкум, ха, отахон?!

— Кўрмайсизми, бир барака топкур болам хозир юрги-зиб берувди, яна иш кўрсатиб колди, — дедим саломлашиб.

Йигит бўйнидан бўйинбогини ечиб, енгини шимариб, ишга тушиб кетди. Афтидан, биладиган кўринарди. “Чет мошинасининг оханжамаси кўп-да”, деб кўйди иш орасида. Кийимлари жуда тоза, аммо у парво килмай, берилиб уннар эди. Шундай йигитни уринтириб кўйганимдан хижолатда колдим. Лекин йигит канча уринмасин, машина сира ўт олмасди.

Чўнтагидан телефонини чикарди. Ким биландир боғланди. Гаплашиб, мошинанинг маркасини айтди. Холатини тушунтирди. “Ха, хўп” деб бир жойини очди. Кейин яна бояги одамга сим кокди. У ёкдаги одам бир нарсаларни тушунтирди. Йигит унинг айтганларини килиб, мошинани ёкди. Ёнмади. Яна сим кокди ва энди бошка жойини ковлашга тушди. Хижолатдан тамом бўлаёздим. Хаёлимда йигит телефоннинг ўзини беш-олти минглик ёкиб юборди-ёв. Вой, барака топкур-эй. Менинг телефонимдан фойдаланинг, деб икки-уч айтдим. Унамади.

Нихоят, машина ўт олди. Уч-тўрт марта кайта ўчириб ёкди.

— Ана энди сизни кийна-майди, — деди баклашкадаги сувда кўлини совунлаб ювар экан. Кейин кўл телефонимни олди-да, унга бир кишининг исми, телефон ракамани ёзиб берди. — Инжиклик килса, шу устага учрашинг. Чет мошиналарнинг пири, — деди.

— Рахмат, мана буни олиб кўйинг, — деб пул узатдим.

— Йўк, — деди йигит, йўлнинг иши кийин, шунакада бир-биримизга карашмасак, қачон карашамиз. Мен розиман.

— Яхши, — дедим мен, — ҳеч бўлмаса, телефон хакини олинг, хазилакам ёқдингизми, мени хижолат килманг, болам.

— Яхшилик килсанг, бутун кил, деганлар, отахон, — дея самимий кулди йигит ва машинасига ўтириб, жўнаворди».

\* \* \*

— Яратганга тавбалар килдим, — деди Тохир хожи бо- шини эгиб. — Ёшлар орасида тилласи кўп экан. Аллох мени тоққа олиб чиқиб кўзимга кўрсатиб кўйди. Бундан бу ёгига анови болам айтганидек ўзимга инсоф сўрайман.

Тохир хожининг бу гаплари “Кўпчиликни ўнглайман деган одам, аввало, ўзини ўнгласин”, деган хақиқатни ёдимга тушириб юборди.